



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ГИЁХВАНДЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ

ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Rahmatov Umrzoq Nusratovich Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura tinglovchisi

Annotatsiya: voyaga etmaganni jinoyat sodir etishga undaganlik uchun. Jinoyatning subyekti 18 yoshga to'lgan aqli raso shaxs bo'lishi mumkin. Shu bilan birga, yosh chegarasi qoidasiga ko'ra, ayblanuvchining 18 yoshga to'lganligini aniqlash muhim ahamiyatga ega, chunki agar shaxs voyaga etgunga qadar jinoyat sodir etgan bo'lsa, u jinoyat sub'ekti emas va javobgarlikka tortilishi mumkin emas.

Tayanch iboralar: yoshlar, voyaga yetmagan, bola, giyovandlik, g'ayriijtimoiy, g'ayrihuquqiy, xatti-harakat, jalb qilish, xulq-atvor, huquqbuzarlik, jinoyat, oldini olish.

Аннотация: за подстрекательство несовершеннолетнего к совершению преступления. Субъектом преступления может быть вменяемый человек старше 18 лет. При этом по правилу ограничения возраста важно установить, что обвиняемый достиг 18-летнего возраста, поскольку если лицо совершило преступление до достижения установленного законом возраста, то оно не является субъектом преступления и не может быть привлечен к ответственности.

Ключевые слова: молодежь, несовершеннолетний, ребенок, зависимость, несоциальный, незаконный, поведение, влечение, проступок, преступление, профилактика.

Abstract: Just for inciting a minor to commit a crime. A sane person over the age of 18 may be the subject of a crime. In this case, according to the age limit rule, it is important to determine that the accused has reached the age of 18, because if a person has committed a crime before the age established by law, then he is not a subject of the crime and cannot be prosecuted.

Base phrases: youth, minor, child, giveaway, anti-social, anti-social, behavior, attraction, behavior, infraction, crime, prevention.

Хар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлига ғов бўлаётган иллатлардан бири гиёхвандлик бўлиб, асосан, йигит-қизларнинг саломатлиги, ҳамда келажаги ва ҳаётига раҳна солмоқда. Бу борада мамлакатимизда гиёхвандликка қарши курашиш, ёшларни бу хатардан асраш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида “жиноят қонунчилигининг, айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи маротаба содир этган, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари – вояга етмаганлар, кексалар, ногиронлиги бўлган



шахслар, ҳомиладор аёллар ва қарамоғида вояга етмаган болалари бўлган ёлғиз шахсларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш, жиноят процессига жалб этилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш [1]” каби устувор вазифалар белгилаб берилганини алоҳида эътироф этадиган бўлсак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни қонунчилик нуқтаи назаридан мустаҳкамлаб қўйиш муҳим ҳисобланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун фақат 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. Бунда ёш чегараси қондасигаасосан айбдорнинг 18 ёшга тўлганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки шахс қонунда белгиланган ёшга етмай туриб жиноят содир этган бўлса, бу ҳолда у жиноят субъекти ҳисобланмайди ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг субъекти масаласида Н. Ў. Джураева субъект ёшини 18 дан деб белгиланиши 2003 йилда ЖКга киритилган янгилик [2, 105], деб таъкидлаган. Бу тўғри эмас, негаки биз биламизки ЖКнинг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинганида ушбу жиноятнинг субъект ёшини 18 ёшдан белгиланган эди. Айни вақтда, шуни эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади [3]. Ўрганиб чиқилган жиноят ишлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этувчи шахсларнинг аксариятининг 18-20 ёш оралиғидаги шахслар ташкил этади. Бир қатор олимлар фикрича 18 ёшга тўлган жалб этувчи шахс ўзидан бир неча ойга кичик бўлган вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганлиги учун жавобгарликка тортилмаслиги лозим [4].

Криминологик тадқиқотларнинг кўрсатишича 57,9% жалб этувчи ва жалб этилаётган вояга етмаган шахснинг ёши ўртасидаги фарқ 5 йилдан ортмайди. Кўп ҳолларда жалб этувчи шахс ва жиноятга жалб этилган вояга етмаган шахснинг



маданияти, маълумоти ва ривожланиш даражаси ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд эмас. Бир қатор давлатлар, шу жумладан, Россия Федерацияси қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, содир этилган қилмиш ва жиноятчининг шахсини инобатга олган ҳолда суд 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан вояга етмаганлар жинойий жавобгарлиги хусусиятлари бобида келтирилган қоидаларни қўллаши мумкин. Бу ҳолатда биз таҳлил этаётган жиноят борасида Россия Федерацияси Жиноят кодексига мувофиқ (90, 92-моддалар) вояга етмаган шахсни ваъда бериш, алдаш, таҳдид ёки бошқа усулда жиноят қилишга жалб этган 18-20 ёш оралиғида бўлган шахслар, бу жиноятни илк бор содир этган бўлсалар жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин, такроран содир этилганда, агар тарбиявий таъсир чоралари билан уларни ахлоқан тузатиш имкони мавжуд бўлса жазодан озод этилиши мумкин [5].

Ҳар бир жиноятнинг субъектив белгилари сифатида жиноят субъекти ва субъектив томонини тавсифловчи белгилари тушунилади. Жиноятни тўғри квалификация қилиш содир этилган жиноятнинг барча белгиларини тўғри аниқлашни тақозо этади, бунда субъектив томон белгиларини аниқлашда муайян қийинчиликлар юзага келади. Зеро субъектив томон жиноятнинг руҳий мазмунини таърифлаб, у жиноят ташқи кўриниши, яъни объектив томони билан чамбарчас боғланган. Агар жиноятнинг объектив томони –бу ташқи кўриниши бўлса, субъектив томони эса, тескариси –ички мазмуни бўлади [6,164].

Субъектив томон ўзида жиноят таркибининг муҳим элементини ифодалайди. Субъектив томоннинг йўқлиги эса, қилмишни жиноят сифатида тан олиншини истисно этади, субъектив томоннинг тўғри белгиланиши эса, айбдорнинг хатти-ҳаракатлари тўғри ва асосли квалификация қилинишини таъминлайди. Умумий қоидага кўра, жиноятнинг субъектив томони дейилганда, “айбдорнинг айби, мотиви, мақсади ва ҳисларида ифодаланган унинг онги ва иродасида кечаётган ички руҳий жараёнлар” [7, 6] тушунилади.

Жиноят объектив томонининг субъект руҳиятидаги ўзига хос кўриниши сифатида, турли жиноятларнинг субъектив томони бир-биридан фарқли мазмунга ва



шаклга эга бўлиши мумкин [8,147]. Айб шакли ва унинг мазмунини аниқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси бўлиб, жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқининг кўплаб принципларига риоя этилиши, ана шу вазифанинг нечоғлик тугал ва тўғри бажарилганлигига боғлиқдир. Жиноят қонунчилигида айбдорнинг ўз қилмишига бўлган рухий муносабати характерига кўра, жиноят таркибининг субъектив томони ўз ичига айб, мотив, мақсад ва ҳис-туйғу каби белгиларни олади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишда шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаганлиги ёки англамаганлиги қуйидаги мезонларга асосан аниқланади, яъни, биринчидан, жалб этилаётган шахснинг ёши билан, иккинчидан, жиноят содир этган шахс ҳаракатларининг тавсифи; учинчидан, вояга етмаган шахс жалб этилаётган ҳаракатлар тавсифи билан. Ушбу белгилар, айбдор шахс онгида ифодаланиб, ЖКнинг 127-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томонини ташкил этади. Юқорида баён этилганларга асосан айтиш мумкинки, айбдорни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 127-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортиш учун у жалб этилаётган шахснинг 18 ёшга тўлмаганлигини билиши талаб этилади.

Гиёҳвандлар популяциясини ўрганиш давомида улар томонидан наркотикларни қабул қилиниш жиҳатлари (муддати, миқдори) таҳлил қилинди ва баҳоланди. Бундай ёндошув наркотикларга берилиш (боғланиб қолиш) синдромини яна бир қатор минтақавий жиҳатларини кўрсатдики, бу ҳудудий профилактик фаолиятлар учун муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, тасдиқландики “наркотикларга берилиш синдроми” асосан уч йил муддатга давом этиб “қаттиқ охирги нуқталар” билан (ўлим, ногиронлик) яқунланади ёки уни аниқланиши 28 баробарга етиб кескин камаяди (мажбурий тарзда камайиш, нормал ҳаётга қайтиш, вафот этиш, ижтимоий-иқтисодий талофатлар – сабаб бўлиб).

Бу жараён турли ёш диапазонларида қуйидагича намоён бўлди: “наркотикларга берилиш синдроми” уч йилдан давом этиш ҳолати 2,0 фоиз частота билан кузатилди ва ≤ 20 ёшгача бўлган гиёҳвандларда (8,3 фоиз), 20-24 ёшлиларда (3,8 фоиз), 25-30 да



(3,7 foiz) va 35-39 ёшдагиларда (1,2 foizni tashkil etib) aniqlanadi. Aksincha, uch yilgacha mudдат davomida “narkotiklarga berilish sindromi”ni saqlanib qolish kiyosan «epidemik» rang bilan yuqori sur'atlarда тарқалиш bilan кузатилади. Жами популяцияни 56,4 foizida aniqlanadi va барча ёш гуруҳларида тарқалиш частоталарини yuqoriligini diqqatni jalb қилади. Хусуан, тарқалиш частоталари куйидагича тасдиqlanadi: 45 ёшдан oshganlarда «narkotiklarga berilish sindromi» ni 3 yilgacha davom etish holati 66,7 foizni tashkil etadi, 40-44 ёшлиларда – 34,4 foiz, 35-39 да – 42,0 foiz, 30-34 да – 58,6 foiz, 25-30 да – 58,9 foiz, 20-24 да – 64,1 foiz va 20 ёшгача бўлганларда 83,3 foiz etib qayd қилинади. Asosan heroinни (opiy) суткасига 0,4 grammдан to 0,6 grammgacha iste'mol қилиш кузатилади. Жумладан 2 чекдан 2 маҳал opiy iste'mol қилиш (суткасига 0,4 г) 31,5 foiz tashkil etadi va турли ёшларда куйидагича қайд қилинади: 45 ёшдан oshganlarда 16,7 foiz, 40-44 да – 25,0 foiz, 35-39 да – 27,2 foiz, 30-34 да – 24,0 foiz, 25-30 да - 33,7 foiz, 20-24 да - 26,9 foiz va ≤ 20 да – 50,0 foiz. Суткасига 0,6 г opiy қабул қилиш (2 чекдан 3 маҳал) турли ёшларда – 50,0 foiz (≥ 20 ёшгача бўлгандарда), 26,9 foiz (20-24 да), 33,7 foiz (25-30 да), 34,0 foiz (30-34 да), 27,2 foiz (35-39 да), 25,0 foiz (40-44 да) va 16,7 foiz (≥ 45 ёшда).

Шуни alohida қайд этиш жоизки суд амалиётида ҳам айбдор жиноятга жалб этилаётган шахснинг ёшини англаганлигини aniqlash масаласи турлича ҳал этилади. Аксарият ҳолатларда судлар айбдор шахс жалб этилаётган шахснинг ёшини aniqlash билганлигини эмас, балки вояга етмаган шахс эканлигидан хабардорлигини aniqlash зарурлигини фикрини ёқлайдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасининг 1-қисмида вояга етмаган шахсни фақат ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш назарда тутилган бўлиб, тиламчиликка, спиртли ичимликлар исте'mol қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни исте'mol этишга жалб қилиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар учун хатто маъмурий жавобгарлик ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, ушбу қилмиш учун



жинойй жавобгарликни либераллаштириш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасининг 2-қисмида вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIX бобида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун алоҳида боб ажратилганлиги ушбу қилмишларни дифференциация қилиш имконини худди шундай жазони индивидуаллаштириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIX боби 274-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш учун алоҳида модда ажратилганлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасининг 2-қисмини ҳам қамраб олиши мумкин эканлигини аниқлатади ва ижтимоий хавфлилигига кўра жавобгарликни белгилаш имконини ярата олади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ва жиноятга жалб қилишни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси назарий ва амалий жиҳатларига кўра такомиллаштириш талаб этилади. Жумладан, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш ва жиноятга жалб этиш масалаларининг ижтимоий хавфлилиги бир моддада баён қилиниши натижасида бу қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини инобатга ола олмаган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси – (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон).

2. Джураева Н. Ў. Вояга етмаганларни жиноят содир этишга жалб қилишнинг субъектив ва объектив белгилари //Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик суд



ишларини юритишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т., ТДЮИ. 2009. 105 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори.

4. Пинкевич Т. В. Субъективная сторона преступления. Учебное пособие. Ставрополь, 2009. С. 13.

5. Уголовный Кодекс Российской Федерации по состоянию на 1 октября 2019 г. //Консультант плюс –Справочная правовая система.

6. Рустамбаев М. Х. Жиноят қонунчилигида жазоларни адолатли белгилаш // Давлат ва ҳуқуқ. 2000. -№1. -б. 164.

7. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент: “Янги аср авлоди”. 2010. – 169-170 б.

8. Аҳроров Б.Д. Жиноят қонунчилигининг вояга етмаганлар тўғрисидаги нормаларини либераллаштириш масалалари. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 103 б.

8.

